

XXI-АСР ПЕДАГОГИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҚОБИЛИЯТЛАРИ

Г.А.Джаналиева

ТМС институти “Педагогика ва психология”

кафедраси катта ўқитувчиси

Ш.Х.Эркинов

ТМС институти “Педагогика ва психология”

йўналиши талабаси 2 курс

Калит сўзлар: компетентлик, касбий компетентлик, ўз-ўзини риволантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини таҳлил қилиш.

Республикамизда таълимнинг моддий техник таъминотини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ахборот-таълим муҳитини яратиш, ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш, уларни таълим жараёнида қўллаш методикаларини такомиллаштириш, талабалар ва ўқитувчиларнинг жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Шу ўринда ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишини кўзда тутади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳатти-ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, “*компетенция*” мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Компетентликка йўналтирилган таълим инсоннинг ўз шахсий манфаатлари учун ҳам, жамият, давлат манфаатлари учун олиб борадиган фаолиятининг асосий соҳаларида муваффақиятини таъминловчи билимлар ва амалий фаолият усулларини комплекс равишда ўзлаштиришига қаратилган.

Таянч компетенциялар – инсоннинг жамиятдаги ҳаётини фаолиятидаги долзарб ва перспектив аҳамиятга эга бўлган турли соҳаларига тегишли бўлган масалалар, билимлар, амалий маълумотлар ва фаолият усулларидан иборат бўлиб, уларни ўзлаштириш бир томондан инсоннинг шахсий ва ижтимоий жиҳатдан муваффақиятли фаолиятини таъминласа, бошқа томондан,

жамиятнинг маълум бир сифатдаги инсон ресурсларига бўлган талабларини қондиришга хизмат қилади.

Таянч компетенцияларни белгилашда жамият эҳтиёжлари ёки ижтимоий буюртма муҳим асос ва йўлланма бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, демократик, фуқаролик жамиятида ижтимоий буюртма давлат ва жамият манфаатларига ҳам, шахсий манфаатларга ҳам бирдай мос бўлиши керак. Ижтимоий буюртма асосида белгиланган таянч компетенциялар ўз навбатида таълимнинг мақсади ва натижаси сифатидаги компетентликни ташкил этадиган таркибий қисмларни белгилаб беради.

Жаҳон миқёсдаги таълим сифатига қўйилаётган талаблардан бири **XXI**-аср педагогикасини янги парадигмалар ҳамда рақамли таълим трансформацияси асосида такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Чуқур касбий билим, ундан унумли фойдаланиш кўникмалари, шахсий ташаббускорлик, ижодкорлик, мустақиллик ҳар доим педагог фаолиятини алоҳида ажратиб турган бўлса, **XXI**-аср педагоги узлуксиз таълим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ўқитувчининг касбий ўзини-ўзи такомиллаштириш - бу ўз касбий маҳоратини ошириш, ташқи ижтимоий талабларга, ўқитувчилик фаолияти шартларига ва шахсий ривожланиш дастурига мувофиқ касбий муҳим фазилатларни ривожлантиришнинг онгли, мақсадли жараёни.

Педагогик ўз-ўзини тарбиялашни ташкил этишда асосий ва етакчи ҳисобланади, чунки муносабат ҳар қандай ўз-ўзини тарбиялаш тизимида бошқарув механизми бўлиб хизмат қилади ва бу ҳолда иккинчиси мумкин эмас. Дарҳақиқат, тор маънода касбий педагогик ўз-ўзини тарбиялашни ташкил этиш ички ва ташқи омиллар мажмуасини яратиш орқали ўқитувчининг ўз-ўзини тарбиялашга бўлган муносабатини шакллантиришдан келиб чиқади. Бу комплекс мафкуравий таъсирлар, маънавий ва моддий рағбатлантириш орқали ўз-ўзини тарбиялашга ички қизиқишни яратиш, ўз-ўзини тарбиялаш ишларини назорат қилиш тизимини, ўқитувчининг ўз-ўзини тарбиялаши учун шарт-шароитларни яратиш ва оптималлаштиришни ўз ичига олади

Педагогик ўз-ўзини таҳлил қилиш такомиллаштиришни талаб қиладиган элементларни аниқлаш учун ўқитувчининг ўқитувчи фаолиятидаги касбий малакасини доимий равишда таҳлил қилишни назарда тутлади. Уни мустақил тамойил сифатида ажратиб кўрсатиш қонунийдир, чунки ўз-ўзини таҳлил қилиш ўқитувчининг ўзини ўзи тарбиялашда кучли рағбатлантирувчи омилга айланиши мумкин, ҳатто у тегишли муносабатга эга бўлмаса ҳам. Бу ўқитувчи ўзининг касбий малакаси даражасида ва ўз ишининг натижаларида ижтимоий кутишлардан катта кечикишни аниқлаган тақдирда содир бўлиши мумкин ва содир бўлади.

Ҳозирги вақтда ўқитувчининг ўзини ўзи касбий такомиллаштиришга муносабати, яъни объективлаштириш ҳаракатидан бошқа нарса бўлмаган педагогик ўз-ўзини таҳлил қилиш ёрдамида.

Педагогик ўз-ўзини таҳлил қилиш қуйидагилар асосида амалга оширилиши мумкин:

- ўқитувчининг касбий компетенция ва фазилатларни шакллантириш даражасини, таълим фаолияти самарадорлигини ўз-ўзини таҳлил қилиш;
- педагогик кундалиқлар, жорий, якуний тест ва имтиҳонлар натижалари; ҳамкасблар ва менежерларнинг шарҳлари ва маслаҳатлари;
- умумий ўқувчиларнинг ҳагги-ҳаракатларини таҳлил қилиш.

Бундай ўз-ўзини таҳлил қилиш ўқитувчи фаолияти ва ўқитувчининг шахсиятини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш бўйича услубий тавсиялар ёрдамида тўлиқ ва объектив равишда амалга оширилади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, **компетентлик** – шахснинг мураккаб, яхлит бир бутун, кўп омилли, кўпқиррали сифатидир. Компетентликнинг вужудга келиши учун қуйидаги сифатлар пойдевор, асос бўлиб хизмат қилади:

- 1) маълум фан соҳасидаги билим, кўникма ва малакалар;
- 2) мустақил фаолиятдаги амалий тажриба.

Бироқ, билим, кўникма ва малакаларга асосланганлиги билан, компетентлик уларнинг ўзидангина иборат эмас. Компетентлик шахснинг “билим, кўникма ва малакалар” асосида шаклланган сифати бўлиб, уларни муайян вазиятда, амалий фаолиятда қўллай олишга қодирлигидир. Компетентлик муайян соҳага оид фаолиятни ўзлаштириб бориш жараёнида вужудга келади, шунинг учун ҳам ушбу фаолият компетентликнинг иккинчи муҳим пойдевори ҳисобланади.

Тегишли соҳага оид билим ва кўникмалар ва шу соҳа бўйича амалий фаолият тажрибаси бўлмаса компетентлик бўлиши мумкин эмас.

Компетентлик қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- ҳар қандай муайян вазиятда, унинг турли хил жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўз ўрнида ва тезкорлик билан тўғри қўллай билиш;
- қарорларни қабул қила билишга қодирлик ва тайёрлик, шу билан бирга, мазкур вазият учун энг мақбул қарор вариантини танлай олиш;
- ижтимоий ҳаракатларни ташкил этиш ва бунинг учун барча имкониятларни ишга сола билиш;
- фаолият доирасида бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларни аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ва мақсадга мувофиқ, мақбул тарзда ўрната олиш имконини берадиган коммуникатив кўникмалар;
- муайян маънавий қадриятларга, дунёқарашга, умуммаданий ва ахлоқий сифатларга эгаллик, фаолиятга интилиш ҳиссининг мавжудлиги;

– ўзининг ижодий имкониятларини ривожлантиришга, фаолиятнинг янги усулларини эгаллашга интилиш.

Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, касбий компетентликлар борки, улар кўплаб касблар учун асос бўлиб хизмат қилади ва ишлаб чиқаришда ҳам, ижтимоий амалиётда ҳам қўлланилганда ўз аҳамиятини йўқотмайди.